УДК 581.9.52.57.4

ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИНИНГ ЭНДЕМИ *ALLIUM L.* (*AMARYLLIDACEAE*) ТУРКУМИ ТУРЛАРИ

О.Т.Тургинов, Т.Х.Махкамов, А.А.Рахматов, Г. С.Саттарова, З.А.Юсупова, М.Х.Усмонов

Ўзбекистон Ғарбий Тиёншон ва Помир-Олой тоғларини ўзаро боғлаб турадиган минтақадир. Мазкур минтақа айрим кўп йиллик, пиёзли, пиёзбошли ва тугунакли ўсимликларнинг келиб чиқиш марказларидан саналади. Шундай ўсимликлардан ёввойи пиёзлар (Allium L.)нинг Ўзбекистон флораси учун эндем бўлган турлари бошқа қардош ўсимликларга нисбатан кўпчиликни ташкил этади. Мақолада дала тадқиқотларида йиғилган намуналарга асосланган ҳолда турларнинг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталар берилган.

Калит сўзлар: *эндем, округ, ботаник-географик район, тур, туркум, ареал.*

Узбекистан – это регион, который связывает Западный Тянь-Шань и Памиро-Алайские горы. Этот регион считается центром происхождения некоторых многолетних растений: лука, луковичных и клубней. Из этих растений дикий лук (Allium L.) эндемичен для флоры Узбекистана с наибольшим количеством других родственных растений. В статье представлены карты GAT, показывающие распределение видов на основе образцов, собранных в полевых исследованиях.

Ключевье слова: *эндем, округ, ботанико-географический район, вид, род, ареал.*

Кириш. Биологик хилма-хилликни тадқиқ этувчи фанларнинг ҳозирги кундаги устувор йўналишларидан бири табиий экотизимлардаги турларни биологик ҳужжатлаштириш, эндем, камёб ҳамда йўқолиб кетиш арафасида турган турлар популяцияларининг замонавий ҳолатини баҳолаш, уларни ҳар томонлама ўрганиш ва сақлаб қолиш йўлларини топишдан иборат. Дунёдаги иқлим ўзгаришлари, антропоген, биотик ва абиотик омиллар таъсири натижасида экотизимларда содир бўлаётган трансформация жараёнлари маҳаллий биологик хилма-хиллик, хусусан, турлар таркибини аниқлаш ҳамда ўсимлик дунёси объектларини биоҳужжатлаштириш тадқиқотларига янада катта эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатмоқда. Биохилма-хилликни глобал баҳолаш UNEP маълумотларига кўра, «... бугунги кунда турли омиллар натижасида 30000 дан ортиқ ўсимлик ва ҳайвон турлари йўқолиб кетиш хавфи остида турибди, охирги 400 йил ичида 654 ўсимлик турлари йўқолиб кетган» [10]. Шу нуқтаи назардан, биохилма-хилликни ўрганиш, маҳаллий флоралардаги турлар таркибини рўйхатга олиш, камёб турларнинг ҳозирги ҳолатини аниқлаш ва сақлаб қолиш замонавий биологиянинг долзарб муаммоларидан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 июлдаги ПҚ-3861-сонли “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида кўрсатилган «Ўзбекистон флораси»нинг янги нашрини тайёрлаш, ҳозирги кунда маҳаллий флораларнинг тур таркибини аниқлаш, уларни табиий ўсиш шароитида сақлаб қолиш ва муҳофаза қилиш, ўсимлик хом ашёси захираларини аниқлаш ҳамда йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ўсимлик турларининг ex-situ шароитидаги коллекцияларини барпо қилиш, Ўзбекистон Республикаси Қизил китобининг янги нашрини тайёрлаш Ботаника институти олимларига долзарб вазифа сифатида белгилаб берилган. Қарорнинг 5-бандида “ноёб ва эндем ўсимлик турлари бўйича мақсадли илмий тадқиқотларни олиб бориш ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби нашрларини халқаро стандартларга мувофиқ тайёрлаш вазифалари юклатилган ноёб ўсимликлар турлари кадастри ва мониторинги лабораторияси” ташкил этиш келтирилган. Бевосита институт олимларининг олиб борган дала тадқиқотлари ва амалга оширилаётган айрим амалий ва фундаментал лойиҳаларда (МУ-ФЗ-20171025199 Ўзбекистон флораси эндемларининг замонавий конспектини тузиш (2018 – 2019) белгиланган вазифаларни бажариш баробарида қарор ижроси таъминланмоқда. Бунга кўра, “Қизил китоб”га киритилган турларнинг устида кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда, янги ўсиш жойлари топилди (*Dionysia hissarica* Lipsky*, Allium majus* Vved*., Ferula tuberifera* Korovin*, Ungernia victoris* Vved*., Sternbergia fischeriana* (Herb.) M. Roem., *Dimorphosciadium gayoides* (Regel & Schmalh.) Pimenov, *Astragalus tupalangi*

Gontsch. *Phlomis linearifolia* Zakirov, *Salvia drobovii* Botsch.), айрим камёб, ноёб ва эндемик турларнинг популяциядаги ҳолати баҳоланди (*Otostegia bucharica* B. Fedtsch., *Calispepla aegacanthoides* Vved.). Шунингдек, ҳали ўрганилмаган ва жуда камёб турлар Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритиш учун қўйилган талаблар асосида тавсия қилинмоқда.

Маълумки, Ўрта Осиёнинг тоғли ҳудуди саналган Ғарбий Тиёншон ва Помир Олой тоғлари ўзига хос бўлган бир қатор ўсимлик туркумларининг келиб чиқиш марказларидан бири сифатида эътироф этилади (Камелин, 1973, Васильченко, Васильева, 1985, Камелин, Хасанов, 1987, Красовская, Левичев, 1986, Хасанов, 1991, Тожибаев, 2010, Каримов, 2016, Тургинов, 2017). Бундай туркумларга лола (*Tulipa* L.), ёввойи пиёз (*Allium* L.), бойчечак (*Gagea* Salisb.), гулсафсар (*Iris* L.), каррак (*Cousinia* Cass.), тангаўт (*Hedyasrum* L.), гулоби (*Oxytropis* DC.) ва бошқалар. Сўнгги 15-20 йил давомида институт олимлари томонидан олиб борилган дала тадқиқотларида Ўзбекистон флорасидан 30 дан ортиқ янги турлар фанга киритилди ва бу жараён ҳозирда давом этмоқда (*Allium aktauense* F.O. Khass. & Esankulov, *A.chorkesaricum* F.O. Khass. & Tojibaev, *A.tatyanae* F.O. Khass. & F. Karim., *A.scharobitdinii* F.O. Khass. & Tojibaev, *A.decoratum* Turginov & Tojibaev, *Iris austrotschatkalica* Tojibaev, F. Karim. & Turgunov, *I.rudolphii* F.O. Khass., *I.khassanovii* Tojibaev & Turginov, *Tulipa scharipovii* Tojibaev). Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўрта Осиёнинг тоғли ҳудуди асосан пиёзли, пиёзбошли ва туганакли ўсимликларнинг келиб чиқиш марказларидан бири сифатида, шунингдек, маълум бир туркумлар учун замонавий тур хосил бўлиш жараёни кечаётган ҳудудлардан бири эканлиги эътироф этилади.

Ботаника институтида амалга оширилаётган 2018 – 2019 йилларга мўлжалланган (МУ-ФЗ-20171025199 Ўзбекистон флораси эндемларининг замонавий конспектини тузиш (2018 – 2019)) номли фундаментал лойиҳа доирасида Ўзбекистон флораси учун эндем бўлган ўсимликларнинг илк бор рўйхати шакллантирилди. Унга кўра, ҳозирда Ўзбекистон флораси учун эндемлар 34 оила, 104 туркумга мансуб 333 турдан иборат. Бу рақамлар юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли флористик ва бошқа йўналишдаги тадқиқотлар натижасида ўзгариши эҳтимолдан ҳоли эмас. Мазкур шакллантирилган рўйхатда 80 турдан ортиқ ўсимликлар бир урурғпаллалиларга, яъни *Eremurus* M. Bieb. (4 тур), *Tulipa* L. (7), *Iris* L. (10), *Gagea* Salisb. (23), *Allium* L. (32) сингари туркумларга тўғри келади. Булар орасида *Allium* L. туркуми турларининг кўплиги билан алоҳида эътиборни тортади. Ҳозирда Ўзбекистон флорасида *Allium* туркумига мансуб 140 тур учрайди (Сенников, 2016) шулардан 32 тур Ўзбекистон флораси учун эндем ҳисобланади. *Allium* туркуми бутун Тоғли Ўрта Осиё провинциясидаги локал флораларда кенг тарқалганлигидан мазкур ҳудуд туркумнинг келиб чиқиш марказларидан бирига тўғри келишидан далолат беради. Чунки Тоғли Ўрта Осиё провинцияси туркумнинг эндем турлари кўплиги билан ажралиб туради, Минтақада туркумнинг 224 тури тарқалган ва шулардан 114 тур эндем мақомига эга (Ҳасанов, 1998).

Сўнги йилларда Ботаника институти олимлари олиб борган дала тадқиқотлари натижасида *A.aktauense* F.O. Khass. & Esankulov, *A.decoratum* Turginov & Tojibaev, *A.eremoprasum* Vved., *A.ravenii* F.O. Khass., Shomurodov & Kadyrov сингари Ўзбекистон флораси учун эндем бўлган камёб турлар “Қизил китоб”нинг навбатдаги нашрига тавсия қилинди ва киритилди. Мақолада тарқалишига кўра фақатгина Ўзбекистон Республикаси ҳудуди билангина чегараланган, Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоб”ига киритилган эндемларнинг илк нашри, экологияси, фенологияси, Ўзбекистон Миллий Гербарийси (TASH) фондида сақланаётган намуналарга асосланган ҳолда Ўзбекистоннинг маъмурий вилоятлари ва ботаник-географик районлари бўйлаб тарқалиши келтирилган.

Методлар. Турлар тўғрисида бирламчи маълумот манбалари халқаро каталоги *International Plants Names Index,* қисқача таксономияси ҳамда “Определитель растений Средней Азии” (1968 – 2015) манбалари асосида келтирилди. Турларнинг тарқалишини акс эттирувчи хариталар ГАТ орқали амалга оширилди. Асосий манба Ботаника институти қошидаги Ўзбекистон Миллий Гербарийси (TASH) фондида сақланаётган 2000 дан ортиқ гербарий намуналари ҳисобланади. Ўзбекистоннинг ботаник-географик районлари бўйича таҳлили К.Ш.Тожибаев ва бошқалар (2012) томонидан ишлаб чиқилган схема асосида келтирилди. Камёблик даражаси Ўзбекистон Республикаси Қизил китобининг (2009) нашри асосида амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига (2009) *Allium* туркумининг 10 тури киритилган бўлса, шулардан 3 тури Ўзбекистон флораси эндем турлари қаторидан жой олган. Яъни, бу турларнинг тарқалиш ареали Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқмайди.

***Allium botschantzevii* Kamelin.** Новости систематики высших растений. 13: 42 (1976). Мазкур тур *Elatae* R. M. Fritsch. секциясига мансуб бўлиб, 1967 йилда В.П. Бочанцев томонидан терилган намуна *“Южн.Узбекистана, горы Курук-дагана, на южн.склоне перевала Таллы, на засоленных*

глинах, 19 V 1967, Бочанцев, n⁰114, (LE)" асосида Р.В Камелин томонидан фанга киритилган бўлиб, Виктор Петрович Бочанцев номига қўйилган. Турнинг пиёзлари биттадан, пиёз қобиқлари қоғозсимон, туксиз, барглари 4-5 тадан бўлиб, тўғри ёйсимон, баргларнинг пастки қисми тук билан қопланган, тўпгули шарсимон, кўп гулли. Гулқўрғони 5 мм узунликда, оч қизғиш, бинафшаранг тусда. Чангчилари гулқўрғон билан тенг, айрим ҳолларда сал калтароқ. Мева уруғи шарсимон, узунлиги 6 мм атрофида.

Мазкур турга энг яқин турлар *Allium alaicum* Vved. ва *Allium hirtifolium* Boiss. бўлиб, асосий фарқлари чангчи ипларининг узунлиги ва умумий баргларнинг сонида. Ушбу турга яқин ҳисобланган бу турлар ўзига хос кўринишга ҳам эга эканлиги билан алоҳида эътибор тортади. Мазкур тур Помир Олойнинг жануби-ғарбий қисмида тарқалган бўлиб, маъмурий жиҳатдан Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод туманига тўғри келади. Ўзбекистонни ботаник-географик районлаштириш схемасида Жануби-Ғарбий Ҳисор округининг Тарқопчиғай ботаник-географик райони флорасида тарқалган: *"Узбекистан. Гиссарский хр. Низкогорья к югу от шоссе Дехканабад–Дербент, горы Курук-Дагана, южный склон пер. Таллы, серые соленые глины, 19.05.1967, Бочанцев, n⁰114; Кашкадарьинская обл. Дехканабадский р-н, горы Акбаштау (Курук-дагана), окрестности перевала Таллы. СЗ склон, 1480 м н.у.м. 04.05.2017. Шомуродов, Бешко, Шарипова, sn.; Юго-западные отроги Гиссарского хр. Горы Курук-дагана, перевал Таллы, 22.04.2010, Хасанов и др. sn."*

Тур тор тарқалиш ареалига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Қизил китобидаги мақоми: 1. Асосан тоғларнинг 1500 – 1600 метргача бўлган баландликларда, шўрланган тупроқларда ўсади. Апрель ойида гуллаб, май ойида уруғлайди. Тур учун муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган. Турнинг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ харитаси 1-расмда келтирилган.

***Allium majus* Vved.** Флора Узбекской ССР 1: 543 (1941). Мазкур тур *Compactoprason* R.M. Fritsch секциясига мансуб бўлиб, 1936 йилда В.П.Бочанцев ва А.Я.Бутковлар томонидан терилган *"Западный Памироалай. Верховья р. Яккабаг-дарья. окр. кишл. Таш-курган, мелкоземисто-щебнистые склоны к р. Яккабаг-дарья у киш. Таш-курган. 1936 VII 2. fl. Бочанцев и Бутков, n⁰576"* намуна асосида А.И.Введенский томонидан фанга киритилган. Пиёзининг эни 3-5 см, қорамтир, қоғозсимон пўст билан қопланган. Пояси 60 – 80 см узунликда, силлиқ. Барглари 4-5 та, қайишсимон, эни 4-8 см, силлиқ. Соябони кўпгулли, деярли шарсимон, диаметри 5-10 см. Гулбандлари деярли тенг, гулён баргчалари йўқ. Гулқўрғон бўлакчалари юлдузсимон, оч бинафшаранг, узунлиги 6-7 мм, қалами тўмтоқроқ, кейинроқ пастга қараб эгилади. Чангчи иплари бегизсимон, узунлиги 4-5 мм. Кўсаги шарсимон, диаметри 5-6 мм.

Турга энг яқин тур *Allium giganteum* Regel бўлиб, гулқўрғонларининг шакли ва тузилиши, пиёзини ўраб турувчи қобиқлар билан фарқ қилади (Сенников, 2016). Мазкур тур Помир-Олойдаги камёб, манзарали эндем ўсимлик бўлиб, умумий тарқалиши маъмурий жиҳатдан Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларининг Яккабоғ, Бойсун ва Ургут туманларига тўғри келса, Ўзбекистонни ботаник-географик районлаштириш схемасида, Кўхистон округининг Ургут ботаник-географик райони: *Зарафшанский хр. горы Кырытау, 24.07.1991, Хасанов; верховье реки Кашкадарьи выше киш. Хазрат-Башир, урочище Тангисай, склон южной экспозиции, 21.06.2018, Тожибаев, Бешко, Қодиров;* Жануби-Ғарбий Ҳисор округининг Қашқадарё ботаник-географик райони: *Гиссарский хр. в 18 км к Ю от с. Лянгар, в 1.5 км от с. Кокабулак, 25.06.1954, Грингофф 747; в 15 км к Ю от к. Лянгар в 2 км от с. по дороге на Кокабулак, 25.06.1954, Пятаева 706а; горы к В от Яккабага, Кипчак, 01.07.1927, Культиасов, Гранитов. n⁰785; 2 км к Ю от с. Ташкурган, 20.07.1991, Хасанов; Бойсун ботаник-географик райони: Западный Памир-Алай, Байсунтау, Ходжа Гургур-ата Чакмак сай, арчевник. 13.06.2013. Тургинов, 0802* а. флораларида тарқалган. Мазкур тур учун муҳофаза чоралари кўрилмаган, "Қизил китоб"даги мақоми: 2. Тоғларнинг 1300 – 2000 метргача бўлган баландликларида, тошли ва ола жинсли ён бағирларида ўсади. Май ойида гуллаб, июнь ойида уруғлайди. Турнинг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ харитаси 2-расмда келтирилган.

Allium rhodanthum Vved. Флора Узбекской ССР 1: 543, 464 (1941) Мазкур тур *Kaloprason* Koch секциясига мансуб бўлиб, муаллиф ўзи терган намуна асосида *"Хаудак-тау. Скрепленные пески 1937 V 13 fl. Введенский. n⁰21."* А.И.Введенский томонидан фанга киритилган. Пиёзининг эни 2-3 см, қорамтир, қоғозсимон пўстли. Пояси 15-30 см узунликда, силлиқ. Барглари 1-2 та, кенг наштарсимон, узунлиги 5-10 см, эни 2-4 см, силлиқ. Соябони кўпгулли, сийрак, деярли шарсимон, диаметри 10-15 см. Гулбандлари тенг, гулёнбаргчалари йўқ, узунлиги 5-10 см. Гулқўрғон бўлаклари юлдузсимон, этли, пушти ранг, узунлиги 7-10 мм, чўзиқ-овалсимон, баъзан наштарсимон, тўмтоқ. Чангчи иплари пушти, узунлиги 16-13 мм, бигизсимон, анча қисми ўзаро бирлашган. Кўсаги шарсимон, диаметри 3-4 мм.

Мазкур турга энг яқин тур *Allium caspium* (Pall.)

M. Bieb. бўлиб, гулқўрғон бўлаклари ва чангчи ипларининг ранги билан фарқланади (Сенников, 2016). *A.rhodanthum* Жанубий Помир-Олойдаги камёб эндемик ўсимлик бўлиб, тарқалиши маъмурий жиҳатдан Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон ва Шеробод туманларига тўғри келса, Ўзбекистонни ботаник-географик районлаштириш схемасида Жануби-Ғарбий Ҳисор округининг Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасида тарқалган: *Хаудактау, в 8 км к ЮЮЗ от к. Ашим Эсанкудук, 10.05.1940, Архиреев, n⁰4.*

Тур тор тарқалиш ареалига эга бўлиб, “Қизил китоб”даги мақоми: 1. Адир минтақасининг 600 метргача бўлган баландликлардаги қумли ёнбағирликларида ўсади. Май ойида гуллаб, июнь ойида уруғлайди. Тур учун муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган. 2018 – 2019 йилларда олиб борилган дала тадқиқотлари натижасиз якунланди. Қумқўрғон тумани, Хаудак тоғи атрофидаги қишлоқлардаги маҳаллий аҳолининг сўзларига кўра, бу тур 1970 – 1990 йиллар оралиғида маҳаллий аҳоли томонидан истеъмол қилинганлиги маълум бўлди. Бундан хулоса қилинадиган бўлса, “тур антропоген омиллар таъсирида йўқ бўлиб кетган”. Турнинг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ харитаси 1-расмда келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоб”ининг янги нашри учун киритилаётган эндем турлар (2019)

***Allium aktauense* F.O. Khass. & Esankulov**, Stapfia 103:97 (2015). Мазкур тур *Minuta* F.O. Khass. секциясига мансуб бўлиб, муаллифлар ўзлари терган намуна *“Western Pamiroalaj, Aktau range, pass Ljangar, northern slopes, 40°20'37.08" N, 66°00'34.69" E, 01 May 2015, Khassanov & Esankulov)”* асосида Ф.О.Хасанов ва А.С. Эсанкуловлар томонидан фанга киритилган. Турнинг пиёзи тухумсимон, қалинлиги 0,5-0,6 мм, қобиғи терисимон, қорамтир жигарранг, ташқарига чиқиб турадиган тўрсимон. Барглари 2 тадан, игнасимон, қисман цилиндрсимон. Тўпгули буйраксимон, майдагулли. Гулбанди тўғри эмас, 5-10 мм узунликда, гулолди баргчасиз. Гулқўрғони қўнғироқсимон, ранги қизғимтир, пушти-бинафша ранг томирли, 3.5 мм узунликда. Чангчилари гулқўрғондан 2 марта узун, чанг ипи бинафша рангда. Турга энг яқин бўлган тур *Allium orunbaii* F. O. Khass. & R. M. Fritsch бўлиб, пиёзнинг тузилиши ва гулқўрғон бўлакчаларининг шакли ва тузилишига кўра фарқланади. *A. aktauense* Жанубий Помир-Олойдаги камёб эндем ўсимлик бўлиб, умумий тарқалиши маъмурий жиҳатдан Навоий вилоятининг Кармана, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманларига тўғри келса, Ўзбекистонни ботаник-географик районлаштириш схемасида Нурота округининг Оқтау ботаник-географик райони: *Western Pamiroalaj, Aktau range, pass Ljangar, northern slopes, 40°20'37.08" N, 66°00'34.69" E, 01 May 2015, Khassanov & Esankulov*. Мазкур тур учун муҳофаза чоралари кўрилмаган. Тоғларнинг 1400 – 1600 метргача бўлган баландликларида, шағалли ёнбағирликларда ўсади. Апрель ойида гуллаб, май ойида уруғлайди. Турнинг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ харитаси 3-расмда келтирилган.

***Allium decoratum* Turginov et Tojibaev,** Phytotaxa 177 (5): 292 (2014). Мазкур тур *Kaloprason* Koch секциясига мансуб бўлиб, 2012 – 2013 йилларда Бойсун тоғидан олиб борилган изланишлар натижасида терилган намуна асосида *“Байсунтау, Хўжа Кўчқорота, 2650 m, N 38.31683° E 067.24160°, 12.VI.2013. Тургинов”* К.Ш. Тожибаев ва О.Т.Тургиновлар томонидан фанга киритилган. Пиёзбоши 1,5-2 (3) см диаметрли, қоғозсимон қобиқ билан қопланган. Пояси 10-15 см баландликда, барглари 1-3 тадан, баъзан 4 та, узунлиги 9-10 см, эни 3-3,5 см. Тўпгуллари шарсимон, ҳар бир гулнинг узунлиги 2,5-3 см, гуллари юлдузсимон, оч қизил, қизғиш рангда, узунлиги 6-6,5 мм, ўткир ланцетсимон. Чангчи иплари тўғри, гулқўрғонидан чиқиб туради, кўсаги шарсимон. Ушбу тур А. *alexeianum* Regel, А *nevskianum* Vved. &Wendelbo ва А. *hindukushense* Kamelin &Seisums. турларига яқин бўлиб, А. *alexeianum* ва А *nevskianum* гулқўрғон бўлакларининг ранги (оч-қизил) ва чангчи иплари ҳамда чангдоннинг гулқўрғондан чиқиб туриши билан фарқ қилади, А. hindukushense туридан эса географик жиҳатдан фарқланади (Tojibaev, 2014). Ушбу тур Жанубий Помир-Олойдаги камёб эндем ўсимлик бўлиб, умумий тарқалиши маъмурий жиҳатдан Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманига тўғри келади, Ўзбекистонни ботаник-географик районлаштириш схемасида ҳам Жануби-Ғарбий Ҳисор округи; Бойсун ботаник-географик райони флорасида тарқалган: *Узбекистан. Памиро-Алай: Гиссарский хр., Байсунтау, Ходжа Гургур-ата, Ходжа Қучкор ата, субальпийские каменистые склоны, 2650 м, 38.31683° N, 67.24160° E, 12.06. 2013, Тургинов.*


Мазкур тур муҳофаза чораси сифатида Тошкент ботаника боғида ўситирилмоқда. “Қизил китоб”даги мақоми: 1. Тоғларнинг 3000 – 3300 метргача бўлган баландликларида, тоғ ёнбағирларидаги майда тупроқларда ўсади. Июнь ойида гуллаб, июль ойида уруғлайди. Турнинг тарқалишини акс эттирувчи харита 1-расмда келтирилган.

***Allium eremoprasum* Vved.** Ботанические материалы гербария Главного ботанического сада РСФСР. 5: 92 (1924). Мазкур тур *Coerulea* (Omelczuk)


F.O. Khass. секциясига мансуб бўлиб, 1921 йилда М.Г.Попов томонидан терилган *“Каттакурганский у.: Бл. г. Каттакурган: Зерабулакские высоты. 1921 VI 7. fl. et fr. Submat. M. Попов. 312”* намуна асосида А.И.Введенский томонидан фанга киритилган. Пиёзи тухумсимон, эни 1 см, юпқа терисимон буришган пўстлоқли. Пиёзчаларининг сирти чуқурчали, Пояси (10) 15-25 см, деярли ярмигача баргларнинг новлари билан ўралган. Барглари 2 та, ипсимон, 1-2 мм, гуллаш пайтида қуриб кетади. Тўпгули сийрак. Гулбандлари 3-4 см гача узунликда, гулёнбаргчали. Гуллари қўнғироқсимон. Гулқўрғон бўлаклари оқиш, хира пушти рангли, наштарсимон. Чангчилари 1,5 баробар қисқа. Кўсаги юмалоқ, диаметри 3 мм га яқин. Мазкур тур Помир-Олой ғарбий тармоқларининг камёб эндем ўсимлиги бўлиб, умумий тарқалиши маъмурий жиҳатдан Навоий ва Самарқанд вилоятларининг Конимех, Каттақўрғон туманларига тўғри келади, Ўзбекистонни ботаник-географик районлаштириш схемасида Нурота округининг Оқтоғ ботаник-географик райони: *Актауский хр. между Лянгаром и Тутак-саем, 09.06.1951, Неуструева-Кнорринг, Цветкова, 70 (LE); Колодец Чархана, 29.05.1963, Хайдаров, 1627; Горы Бахильтау, 10.05.2013, Бешко;* Кўхистон округининг Зиадин-Зирабулоқ ботаник-географик райони: *Зиадин-Зирабулакские горы у Кочкарлы, 29.05.1925, Попов 176; Горы у с. Дарантут, к ЮЗ от Зерабулака, 27.05.1926, Попов 3/20* тарқалган. Мазкур тур учун муҳофаза чоралари кўрилмаган. “Қизил китоб”даги мақоми: 1. Тоғларнинг 800 – 1600 метргача бўлган баландликларида, тошли ёнбағирларида ўсади. Май ойида гуллаб, июнь ойида уруғлайди. Турнинг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ харитаси 4-расмда келтирилган.

***Allium ravenii* F.O. Khass., Shomuradov & Kadyrov**, Stapfia 95: 173 (2011). Мазкур тур *Unicaulia* F.O. Khass. секцияга мансуб, тур муаллифлар томонидан терилган намуна *“Плато Устюрт, 12.5.2010, Хасанов, Шомурадов, sn.”* Ф.О.Хасанов ва шогирдлари томонидан фанга киритилган. Пиёзининг эни 1 см, қорамтир, қоғозсимон пўстли. Пояси 15-30 см узунликда, силлиқ. Барглари 1-2 та, узунлиги 5-20 см, эни 0,5 см силлиқ. Тўпгули сийрак, деярли шарсимон, диаметри 1-1,5 см. Гулбандлари тенг. Гулқўрғон бўлаклари юлдузсимон, этли, пуштиранг, узунлиги 5-7 мм, чўзиқ-овалсимон. Мазкур тур Устюртдаги камёб эндем ўсимлик бўлиб, умумий тарқалиши маъмурий жиҳатдан Қорақалпоғистон автоном Республикасига тўғри келади. Ўзбекистоннинг ботаник-географик районларига кўра, Устюрт округи; Шимолий Устюрт ботаник-географик районида, яъни Устюрт платосида (*Устюрт 12.5.2010. Хасанов, Шомурадов*) тарқалган. Мазкур тур учун муҳофаза чоралари кўрилмаган. “Қизил китоб”даги мақоми: 1. Чинкнинг юқори жойларида ўсади. Май ойида гуллайди. Турнинг тарқалишини акс эттирувчи харита 3-расмда келтирилган.


Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёввойи пиёзларнинг умумий тарқалиши асосан тоғли минтақаларга тўғри келади. Ўзбекистон флорасидаги турларнинг тарқалишига кўра икки ареалга Помир Олой ва Ғарбий Тиёншонга алоҳидалашган ўзига хос бўлган тур ҳосил бўлиш марказлари деб эътироф этилади. Бунинг яна бир кўриниши *Allium* L. туркумининг Ўзбекистон флораси учун эндем бўлган турларида ҳам ўз аксини топган. Мазкур турларни Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритиш орқали улар устида янада кенг кўламли тадқиқотлар олиб бориш, турлар учун мухофаза чораси сифатида махсус майдончаларда кўпайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.




1-расм.



2-расм.



3-расм.



4-расм.

Адабиётлар

1. *Васильченко И.Т., Васильева Л.И.* Эндемичные и редкие растения Западного Гиссара // Растения Средней Азии. – Ленинград: Наука, 1985. – С. 42 – 121.

2. Ўзбекистон Республикаси Қизил китоб". 2 томлик. 1-т. – Тошкент: Chinor ENK: 2009. – Б. 333.

3. *Каримов Ф.И.* Фарғона водийсининг бир уруғпаллали геофитлари. Биол. фан. докт. ... дисс. – Ташкент, 2016. – 188 с.

4. Камелин Р.В. Флорогенетический анализ естественной флоры горной Средней Азии – Ленинград: Наука, 1973. – 356 с.

5. Камелин Р.В., Хасанов Ф.О. Вертикальная поясность растительного покрова хребта Кугитанг (Юго-Западный Памиро-Алая) // Ботанический журнал. – 1987. - № 1 (72). – С. 49 – 58.

6. Красовская Л.С., Левичев И.Г. Флора Чаткальского заповедника. – Ташкент: Фан, 1986. – 171 с.

7. Флора Узбекистана. Под ред. А.Н.Сенникова. Том 1. – Тошкент: Navro'z, 2016 – 173 с.

8. Тожибаев К.Ш. Флора Юго-Западного Тянь-Шаня (в пределах республики Узбекистан). Дисс. ... докт. биол. наук. - Ташкент, 2010. - 271 б.

9. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Попов В.А. О проекте ботанико-географического районирования Узбекистана. Биохилмахилликни сақлаш ва ривожлантириш муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Гулистон: Университет, 2012. – С. 6 – 10.

10. Тургинов О.Т. Бойсун ботаник-географик райони флораси. Биол.фан.номз. ... дисс. – Ташкент, 2017. – 260 б.

11. Хасанов Ф.О. Эндемичные растения Юго-западных отрогов Гиссарского хребта // Узбекский биологический журнал. – 1991. – №2. – С. 41 – 45.

12. Хасанов Ф.О. Род *Allium* L. во флоре Средней Азии: Дисс. ... докт. биол. наук. – Ташкент, 2008. – 163 с.

13. Tojibaev K.Sh Turginov O.T. A new species and a new combination of Iris subgenus Scorpiris (Iridaceae) from Central Asia (Hissar Range, Pamir-Alai) // Phytotaxa. – 2014. – №158 (3). – P. 224 – 228.

14. International Plant Names Index [Электронный ресурс]. URL: www.ipni.org (Мурожаат этилган сана: 15.01.2019).

15. The Plant List [Электронный ресурс]. URL:www.theplantlist.org. (Мурожаат этилган сана: 28.01.2019).

ENDEMICAL FOR THE FLORA OF UZBEKISTAN GENUS OF SPECIES *ALLIUM L.* (*AMARYLLIDACEAE*)

O.T. Turginov[1], T.X. Makhkamov[2], A.A. Rakhmatov[3], G.S. Sattarova[4], Z.A. Yusupova[5], M.X. Uzmanov[6]

Ilmiy xabarnoma – Научный вестник. 2019. 4. 5–12.

[1]Institute of Botany of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Tashkent, 100125, str. Durmon yuli, 32 (Uzbekistan). E-mail: botany@academy.uz

[1,2,4]National University of Uzbekistan, Tashkent, 100174, str. University, 4 (Uzbekistan). E-mail: rector@nuu.uz

[3]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

[5]Fergana State University, Fergana, 150100, str. Murabbiylar, 19 (Uzbekistan). E-mail: fdu_rektor@edu.uz

[6]Kongju National University, 56 Gongjudaehak-ro, Gongju, 314-701 (Republic of Korea). E-mail: pres@kongju.ac.kr

***Keywords*:** endem, okrug, botanical-geographical region, species, genus, areal.

West Tien Shan and the Pamir Alai Mountains, which are Central Asia's mountainous regions, are recognized as one of the centres of origin of a number of unique plant species. Such species include tulips (Tulipa L.), wild onions (Allium L.), Snowdrops (Gagea Salisb.), Gullafsar (Iris L.), Karrak (Hedyasrum L.), Gulob (Oxytropis DC).). Over the past 15-20 years, more than 30 new species of flora from Uzbekistan have been introduced into the field by scientists of the Institute.

For the first time the list of endemic plants of the flora of Uzbekistan has been compiled by 34 families, with 333 species of 104 species.

The article cites the first edition of the Red Book of the Republic of Uzbekistan, spread across the administrative regions of Uzbekistan and the botanical and geographical regions of Uzbekistan, based on samples stored in the National Herbarium (TASH) Fund, distributed throughout the Republic of Uzbekistan.

Allium actauense F.O. Khass. & Esankulov, Stapfia 103: 97 (2015). This tour is Minute F.O. Khass. by the authors of the section "Western Pamiroalage, Aktau range, pass Ljangar, northern slopes, 40 ° 20'37.08" N, 66 ° 00'34.69" E, 01 May 2015, Khassanov & Esankulov)" and A.S. Introduction to Science by Esankulovs. Allium decoratum Turginov et Tojibaev, Phytotaxa 177 (5): 292 (2014). This species belongs to the Kaloprason Koch section and is based on a sample collected from the Baysun Mountains in 2012–2013. Turginov "K.Sh. Introduced in the science by Tajibaev and OTTurginov. Allium eremoprasum Vved. Ботчиковые материалы Herbarium Главного ботинicheskogo sada RSFSR. 5: 92 (1924). This species is Coerulea (Omelczuk) F.O. Khass. In 1921 M.G. Popov's "Kattakurganskiy u: Bl. d. Bigger: Zerabalakskie vysoty. 1921 VI 7. fl. et fr. Subtitle. M. Popov. 312 "based on the example of A.I. Introduction to Science by Vvedensky. Allium ravenii F.O. Khass., Shomuradov & Kadyrov, Stapfia 95: 173 (2011). This species is called Unicaulia F.O. Khass. Section-type specimen collected by species authors "Plato Ustyurt, 12.5.2010, Hasanov, Shomuradov, sn." F.O. Hasanov and his students were in science.

Species of species of Allium L. endemic are also present in the species distribution centers, which are distinct from the two flocks of Pamir Alay and western Tien Shan according to the distribution of species in the flora of Uzbekistan.

The Red Book of the Republic of Uzbekistan (2009) included 10 species of the Allium series, of which 3 are the endemic species of the flora of Uzbekistan. That is, the range of these species does not extend beyond the territory of the Republic of Uzbekistan.

References

1. Vasilchenko I.T., Vasilieva L.I. (1985) Endemicheskiy i redkiy rasteniya Zapadnogo Gissara [Endemic and rare plants of South-western Gissar]. In Book: Rasteniya Srednej Azii [Plants of Central Asia]. Leningrad: Nauka.

2. Tojiboyev K.Sh. (ed.) (2009) *O'zbekiston Respublikasi Qizil kitobi* [The Red Data Book of Uzbekistan]. Plants and Fungi. Tashkent: Chinor ENK.

3. Karimov F.I. (2016) *Farg'ona vodiysining bir urug'pallali geofitlari* [Monocots geofiti Ferghana Valley]. The dissertation for Doctor of Biological Sciences. Tashkent.

4. Kamelin, R.V. (1973) *Florogeneticheskij analiz estestvennoj flory gornoj Srednej Azii* [A florogenetic analysis of the native flora of the Mountainous Central Asia]. Leningrad: Nauka.

5. Kamelin R.V., Khasanov F.O. (1987) Vertikalnaya poyasnost rastitelnogo pokrova hrebta Kugitang (Yugo-Zapadny Pamiro-Alaya) [Vertical zone of the vegetation cover of the Kugitang ridge (Southwestern Pamir-Alai)] *Botanicheskij jurnal.* Vol. 1 (72). Pp. 49-58.

6. Krasovskaya L.S., Levichev I.G. (1986) *Flora Chatkalskogo zapovednika* [Flora of Chatkal reserve]. Tashkent: Fan.

7. Sennikov, A.N. (ed.) (2016) *Flora Uzbekistana* [Flora of Uzbekistan] Vol. 1. Tashkent: Navro'z.

8. Tojibaev K.Sh. (2010) *Flora Yugo-Zapadnogo Tyan-Shana (v predelax Respubliki Uzbekistan)* [Flora of the South west Tien Shan (within the Republic of Uzbekistan)]. The dissertation for Doctor of Biological Sciences. Tashkent.

9. Tojibayev K.Sh., Beshko N.Yu., Popov V.A. (2012) O proekte botaniko-geograficheskogo rayonirovaniya Uzbekistana [Botanical-geographical regionalization of Uzbekistan]. *Bioxilmaxillikni saqlash va rivojlantirish muammolari.* Guliston: Universitet. Pp. 6-10.

10. Turginov, O.T. (2017) Boysun botanik-geografik rayoni florasi [Flora of Baisun Botanical-geographical Region]. The dissertation of doctor of philosophy (PhD) in biological sciences. Tashkent.

11. Khasanov, F.O. (1991) Endemichnye rasteniya Yugo-zapadnih otrogov Gissarskogo hrebta [Endemic plants of the southwestern spurs of the Gissar range]. *Uzbekskiy biologicheskiy journal.* Vol. 2. Pp. 41-45.

12. Khasanov, F.O. (2008) Rod *Allium* L. vo flore Sredney Azii [Genus *Allium* L. in the flora of Central Asia]. The dissertation for Doctor of Biological Sciences. Tashkent.

13. Tojibayev, K.Sh., Turginov, O.T. (2014) [A new species and a new combination of Iris subgenus Scorpiris (Iridaceae) from Central Asia (Hissar Range, Pamir-Alai)]. *Phytotaxa*. Vol. 158(3). Pp. 224-228.

14. *International Plant Names Index* [Online]. URL: www.ipni.org

15. *The Plant List* [Online]. URL: www.theplantlist.org

Муаллифлар ҳақида маълумот:

Тургинов Орзимат Турдиматович – Ўзбекистон Миллий университети, ботаника ва ўсимликлар физиологияси кафедраси доценти, ЎзР ФА Ботаника институти Ўзбекистон флораси лабораторияси мудири, биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). E-mail: orzimat@mai.ru.

Махкамов Тробжон Хусанбоевич – Ўзбекистон Миллий университети, ботаника ва ўсимликлар физиологияси кафедраси мудири, доцент, биология фанлари номзоди. E-mail: mturobzhon@mail.ru.

Рахматов Абдурашид Абдужабборович – Андижон давлат университети, экология ва ботаника кафедраси ўқитувчиси. E-mail: abdurashid@mail.ru.

Саттарова Гулноза Салим қизи – Ўзбекистон Миллий университети, ботаника ва ўсимликлар физиологияси кафедраси магистранти. E-mail: gulnoza.sattarova.95@mail.ru.

Юсупова Зохида Абдумаликовна – Фарғона давлат университети, ботаника кафедраси ўқитувчиси. E-mail: yzohida@mail.ru.

Усмонов Мансур Хусанбаевич – Корея Республикаси Конгжу Миллий университети тадқиқотчиси. E-mail: mansur.usmonov@inbox.ru.